

## ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН ҲАКАМЛИК МУҲОКАМАСИГА ОИД ИШЛАРНИ КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Толлибаева Малика Улмасжон қизи**

Самарқанд давлат университети “Адвокатлик фаолияти”

мутахассислиги магистранти

E-mail: [malikaxonsamarqand@gmail.com](mailto:malikaxonsamarqand@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада иқтисодий процессда ҳакамлик судларига оид бўлган ҳуқуқий муносабатларни ҳал этишнинг аҳамияти ва бунда адвокатнинг ҳуқуқий табиати, унинг судгача ва суд муҳокамасидаги иштироки, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳамда мазкур суднинг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг назарий-амалий жиҳатлари тадқиқ қилинди.

**Калит сўзлар:** ваколатли суд, иқтисодий судда ҳакамлик суди низолари, ҳал қилув қарори, адвокатнинг ҳакамлик билан боғлиқ низолардаги иштироки, ижро варақаси, келишув битими.

### SPECIFIC FEATURES OF ADMINISTRATION CASES WHICH IS RELATED TO ARBITRATION BY ECONOMIC COURTS

**Toliboyeva Malika Ulmasjon Kizi**

Master of Samarkand State University,  
the speciality of “Activity Attorney”

E-mail: [malikaxonsamarqand@gmail.com](mailto:malikaxonsamarqand@gmail.com)

## ABSTRACT

In this article, the importance of resolving legal relations related to arbitration courts in the economic process, and the legal nature of the attorney, participation of in pre-trial and trial proceedings, consideration of the cases of annulment of the decision of the arbitration court and the issuance of an executive document for the compulsory execution of the decision of this court theoretical and practical aspects were studied.

**Keywords:** a competent court, arbitration disputes in the economic court, a settlement resolution, attorney's participation in arbitration disputes, an executive document, an amicable agreement.

## ОСОБЕННОСТИ РАССМОТРЕНИЯ АРБИТРАЖНЫХ ДЕЛ ХОЗЯЙСТВЕННЫМИ СУДАМИ

**Толлибаева Малика Улмасжон кизи**

Магистрант Самаркандского государственного  
университета по специальности «Адвокатура»

E-mail: [malikaxonsamarqand@gmail.com](mailto:malikaxonsamarqand@gmail.com)

## АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрывается значение разрешения правоотношений, связанных с третейскими судами в хозяйственном процессе и правовая природа адвоката, его участие в досудебном и судебном производстве, рассмотрение дел об отмене решения третейского суда и выдачи исполнительного листа на принудительное исполнение решения данного суда теоретические и практические аспекты.

**Ключевые слова:** компетентный суд, арбитражные споры в хозяйственном суде, решение, участие адвоката в арбитражных спорах, исполнительный лист, мировое соглашение.

Демократик ислоҳотларнинг кенг кўламда жорий этилиши, фуқаролик жамиятида пайдо бўлаётган янги ҳуқуқий муносабатлар, дунёнинг жадал суръатларда глобаллашуви ижтимоий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли қатнашчилари бўлган фуқаро ва юридик шахсларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқда. Бугунги замонавий тенденциялар асосида ривожланиб бораётган, бюрократизмдан буткул ҳоли фуқаролик жамиятининг асосий мақсади ҳам фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида келиб чиқадиган иқтисодий низоларни муқобил ҳал этишда давлат органлари иштирокини камайтириш орқали кўплаб тадбиркорлик субъектлари ўзлари учун қулай бўлган фуқаровий шакл ва усуллар ёрдамида, қисқа муддат ва камҳаражатлилик эвазига “айбдорлик презумпцияси”ни қўллаш орқали ўзларининг шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида бузилган ҳуқуқларини тиклаш имкониятига эга бўлишмоқда. Ана шундай низоларни муқобил усулда ҳал этишнинг самарали усули сифатида ҳакамлик судлари муҳим ҳуқуқий институтлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4754-сонли Қарори<sup>13</sup> ҳамда 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони<sup>14</sup>да ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш лозимлиги белгиланган.

Ҳакамлик судларининг афзаллик томонларидан бири шундаки, ушбу нодавлат суди шартнома шартларига мувофиқ ва иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилув қарорини қабул қилади. Яъни ҳакамлик битимининг мавжуд бўлишигина низо ҳакамлик судининг ҳал қилувиغا

<sup>13</sup> <http://lex.uz/docs/4859436>

<sup>14</sup> <http://lex.uz/docs/5841063>

топширилишини тақазо этади. Бинобарин, 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни<sup>15</sup> мамлакатимизда ҳакамлик судлари фаолиятини қонунга мувофиқ йўлга қўйилишига ва суд-ҳуқуқ соҳасида муҳим ислоҳатлар амалга оширилишига тўртки бўлди. Мазкур Қонун ҳакамлик суди юрисдикциясига тааллуқли бўлган ҳуқуқий муносабатларни ифодалашидан ташқари, иштирокчиларнинг ўзига тегишли фуқаролик ёки иқтисодий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларини нодавлат судига мурожаат қилиш ҳуқуқи ваколатли судларга мурожаат қилиши каби конституцияда белгиланган ҳуқуқига ҳеч қандай тўсқинлик қилинмаслиги билан аҳамиятлидир. Бу ҳуқуқ ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ваколатли судга ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашишида намоён бўлади, яъни ҳакамлик судларида апелляция инстанцияси мавжуд бўлмаганлиги сабабли нодавлат суд томонидан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан шикоят агар иқтисодий муносабатларга оид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси<sup>16</sup>нинг 25-моддаси 5-бандига асосан иқтисодий судга тааллуқли бўлади. Мазкур кодекснинг 28-моддасига кўра, Ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ бўлган ишлар жумласига қуйидагилар киради ва улар алоҳида тоифадаги иш ҳисобланади:

- 1) даъвони таъминлаш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар;
- 2) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги аризалар бўйича ишлар;
- 3) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар.

Юқорида санаб ўтилган ишлардан фақат даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза алоҳида тоифадаги ишлар тоифасига кирмаслиги Қонунда белгилаб

<sup>15</sup> <http://lex.uz/docs/1072079>

<sup>16</sup> <http://lex.uz/docs/3523891>

кўйилган бўлсада, мазкур иш иқтисодий суд томонидан кўрилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг 2012 йил 15 июнда қабул қилинган “Иқтисодий судлар томонидан ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарори<sup>17</sup>да кўрсатиб ўтилган.

Ваҳоланки, юқорида санаб ўтилган ҳакамлик муҳокамасига оид ишларни кўришда судда ишончнома орқали тарафларнинг вакили сифатида адвокат уларга юридик ёрдам кўрсатади. Эътиборли жиҳати шундаки, 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни<sup>18</sup>нинг 5-моддасида ҳакамлик судида ва халқаро тижорат арбитражида (судида) вакилликни амалга ошириш адвокатлик фаолиятининг турларидан бири сифатида кўрсатилган. Бундан ташқари, мазкур Қонуннинг 3-моддасининг учинчи қисмига 2018 йил 11 октябрдаги киритилган ўзгартиришга мувофиқ, адвокат ҳакамлик судларида ва халқаро тижорат арбитражларида (судларида) судья сифатидаги фаолият билан шуғулланиши белгиланди. Юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, адвокат ҳам иқтисодий ишларни юритишда тарафларнинг вакили сифатида, ҳам ҳакамлик суди судьяси сифатида, ҳам ҳакамлик судида вакилликни амалга оширадиган шахс сифатида тавсифланган. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 20-моддасига кўра, мазкур иш илгари кўрилганда унда ҳакамлик суди судьяси, арбитр, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлиси котиби, вакил ёки гувоҳ сифатида иштирок этган бўлса судьяни рад қилиниши мустаҳкамлаб кўйилган.

Шунингдек, иқтисодий судлар томонидан ҳакамлик судига оид ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг 2012 йил 15 июнда қабул қилинган “Иқтисодий судлар томонидан ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим

<sup>17</sup><http://lex.uz//docs/2483046>

<sup>18</sup> <http://lex.uz//ru/docs/-54503>

масалалари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ҳал этилади. Яъни ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳамда ҳакамлик ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилишлари лозим. Бундан ташқари, Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган жойдаги иқтисодий судга, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги ариза эса ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёки қарздор давлат рўйхатидан ўтган жойдаги ёхуд, агар қарздор давлат рўйхатидан ўтган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги иқтисодий судга берилади.

Ҳакамлик судининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, унинг қарорлари давлат кучи ва обрўси томонидан ҳакамлик судига давлат судлари томонидан ижро варақаларини бериш орқали таъминланади. Бир сўз билан айтганда, ижро варақаларни беришга оид ваколатни иқтисодий ва фуқаролик судлари амалга оширишга ҳақлидирлар. Ушбу ҳолат ҳакамлик судларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига жонли мисол бўла олади.

Келишув битими ҳакамлик судида ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ҳакамлик судларида келишув битимининг тузилиши ҳакамлик муҳокамасининг тугалланиши ва мазкур битимни тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келади. Келишув битими шартларининг ихтиёрий ижро этилмаганлиги манфаатдор тарафнинг аризаси бўйича ваколатли суд томонидан ижро варақаси бериш учун асос бўлади<sup>19</sup>. Яъни келишув битимида кўзда тутилган талаблар бажарилмаслиги оқибатида фуқаролик ёки иқтисодий суд томонидан ижро варақаси берилади.

<sup>19</sup> Борзенко Ю.А. Арбитражное процессуальное право (Арбитражный процесс). М., 2014. <http://be5.biz/pravo/a027/index.html>

Хулоса ўрнида айтганда, ҳакамлик судлари фаолияти кўлами фуқаролик ва иқтисодий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни тарафларнинг хоҳиш ва истакларини инобатга олиб муқобил ҳал этадиган, шу қаторда давлат ва бошқа институтлар учун бир қатор афзалликлар яратиб берадиган нодавлат органдир. Иқтисодий судлар томонидан ҳакамлик судига оид муносабатдан келиб чиқадиган низоларни биргаликда ҳал этиш, қонуний ва асосли ечим топишнинг мақсади ҳам фуқаролар ва юридик шахсларни судлар томонидан чиқарилган ҳужжатлар орқали жазолаш мақсадида эмас, балки ҳар икки томоннинг шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан мажбуриятларини бажаришда кўмаклашишдан иборатдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар: (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. – Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish, 2021. – 432 б
2. Ибратова Ф.Б. Экономическое процессуальное право Республики Узбекистан. Учебник. Т., 2020
3. Иқтисодий процессуал ҳуқуқ. Дарслик. – Тошкент.: ТДЮУ, 2020
4. Blackaby N., Partasides C., Redfern A., Hunter M. Redfern and Hunter on International Arbitration. Oxford University Press, 2015.
5. Борзенко Ю.А. Арбитражное процессуальное право (Арбитражный процесс). М., 2014. <http://be5.biz/pravo/a027/index.html>